

Бу — менинг суннатим



17:00 / 21.03.2022 3314

Уч киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан бирининг уйига келиб У зотнинг ибодатлари ҳақида сўрашди. Онамиз уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари ҳақида хабар бергач, улар бу ибодатларни ўзларича оз деб ўйлашди. Яна айтишдики: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдек бўла олармидик?! Ахир у кишининг олдинги-ю кейинги гуноҳлари мағфират қилинган бўлса. Биз ибодатни кўпроқ қилаверишимиз керак!», дейишди. Сўнгра улардан бири: «Мен кечаси билан намоз ўқийман, ухламайман!», деди. Яна бири: «Мен доимо рўза тутиб юраман, ифтор қилмайман!», деди. Учинчиси: «Мен аёллардан ажраламан, уйланмайман!», деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келгач, у кишига хотинлари бўлган воқеани айтиб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

уларнинг олдига бориб:

- Шундай-шундай деб сизлар айтдингизми?!- дедилар.

Улар:

- Ҳа, Эй Аллоҳнинг Расули!-дейишди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- Аллоҳга қасамки, мен сизнинг ичингизда энг Аллоҳдан қўрқадиганингизман! Аммо мен намоз ҳам ўқийман, ухлайман, рўза тутаман, рўза тутмаган пайтларим ҳам бўлади, аёлларга уйланаман! Ким менинг суннатимдан юз ўгирса у мендан эмас!-дедилар.

Саҳобалар Набий соллаллоҳу алаҳи васалламга гўзал суратда эргашганлари учун дунёга ҳукмронлик қилишган, буюк империяларни қулатишган. Ҳатто саҳобалардан бири бир жойдан ўтаётиб бошини паст қилиб ўтди. Ундан нега бундай қилганини сўрашганда шундай деди:

«Шу ерда бир дарахт бор эди. Унинг шохлари пастга эгилиб тушган эди. Унинг остидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтганларида бошларини паст қилиб ўтган эдилар. Дарахт кесилиб кетган бўлсада мен ҳам ўшандай қияпман!».

Аллоҳ таолога энг ёқимли ибодат Набий алайҳиссаломнинг йўллариغا ҳаддан ошмасдан, нуқсонга йўл қўймасдан эргашмоқдир. Ҳаддан ошиш ҳам, нуқсонга йўл қўйиш ҳам бу уммат учун ҳалокатдир. Ҳаддан ошиш туфайли бизда ташаддуд ва радикаллар, адашган тоифалар, кишиларнинг қонига енгил қарайдиганлар, такфирчилар пайдо бўлди. Нуқсонга йўл қўйгувчилар туфайли эса сирғанувчилар, мағлубият, фикрий беморликлар ва ғарбга тобелик пайдо бўлди!

Ислом мана шу икки разолат ўртасидадир. Агар биз барча Ислом таълимотига назар солсак ундаги барча фазилатлар, гўзал хулқлар мана шу икки разолат ўртасида эканлигини кўрамиз. Ким ундан четланса албатта мана шу икки разолатдан бирига тушади!

Ислом даъват қилган шижоат, қўрқоқлик ва шошқалоқлик ўртасидадир.

Ислом даъват қилган сахийлик, бахиллик ва исроф ўртасидадир.

Ислом даъват қилган ҳаё, хижолат бўлиш ва сурбетлик ўртасидадир.

Ислом даъват қилган ифбат, роҳиблик ва ҳар нарсани мумкин дейиш орасидадир!

Доимо рўйхат охиридаги ёмон хулқларга эътибор беринг. Ўшаларнинг тепасида икки разолатдан узоқ ҳолда Ислом ўзининг гўзал хулқлари билан лангар ташлаганини кўрасиз!

Динимизда уяладиган нарсаяўқ. «Инсонлар ойга етиб борган асрда» мисвокни танқид қиладиган кишилар бор. Улар мисвокни танқид қилади. Гўё уларни ойга чиқишдан мисвок ман қилиб тургандек. Азизим! Сени мисвок эмас, бошинг ичидаги бемор ақлинг ман қиляпти!

Имом Молик роҳимаҳуллоҳ ажайиб бир гап айтганлар:

«Суннат Нуҳ алайҳиссаломнинг кемасига ўхшайди. Ким унга минса нажот топади. Ким мина олмай қолса фарқ бўлади!».

Абдулқодир Полвонов